

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Й.Солижонов	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни.....	85
Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида.....	88
С.Мамаюсупова	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари.....	91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси.....	95
Ф.Абдурахмонов	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари.....	98
Д.Газиева	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш.....	103
Н.Аббосова	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари.....	107
М.Ҳақимова	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари.....	111
Ҳ.Солихўжаева	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида.....	116
Ш.Матназаров	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши.....	119
Н.Умарова, Н.Абдувалиева	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар.....	122
Ф.Қосимова	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари.....	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари.....	130
Ш.Алимов, М.Нурматова	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш.....	133
Д.Ҳайдарова	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари.....	136
З.Бобоева, И.Пўлатов	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.....	140

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси.....	143
А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш.....	147
Р.Маджидова	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти.....	149
М.Мадаминова	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос.....	152
М.Юсупова	
Навоий образининг янгича талқини.....	155
Х.Рахматиллаев, С.Соҳибов	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	158

УДК: 409.312

**“ТИБ ҚОНУНЛАРИ» (АБУ АЛИ ИБН СИНО) АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН
КАСАЛЛИК НОМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ
ЎЗИГА ХОС ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ**

**НАЗВАНИЯ БОЛЕЗНЕЙ, ПРИВЕДЁННЫХ В КНИГЕ «КАНОН МЕДИЦИНЫ» (АБУ
АЛИ ИБН СИНА) И ИХ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ В УЗБЕКСКОМ
И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ**

**THE NAMES OF THE DISEASES CITED IN THE BOOK “CANON OF MEDICINE (ABU ALI
IBN SINA)” AND THEIR SPECIFIC LINGUOCULTUROLOGICAL ASPECTS IN UZBEK AND
ENGLISH**

Ф.Қосимова

Аннотация

Мақолада “Тиб қонунлари” асарида келтирилган бир неча касаллик номлари ўзбек, инглиз тилларида лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье предлагается лингвокультурологический анализ названий болезней, приведённых в книге «Канон медицины».

Annotation

The article offers a linguocultural analysis of the names of diseases cited in the book “Canon of Medicine”.

Таянч сўз ва иборалар: “Тиб қонунлари”, мохов касаллиги, чипқон касаллиги, импотенция, захм, куйдирги касаллиги, вабо, табу, эвфемизм, қаргаш, денотатив маъно, коннотатив маъно.

Ключевые слова и выражения: «Канон медицины», лепра, фурункулёз, импотенция, сифилис, сибирская язва, холера, табу, эвфемизм, проклятие, денотативное значение, коннотативное значение.

Keywords and expressions: “Canon of medicine”, leprosy, furunculosis, impotency, syphilis, Siberian plague, cholera, taboo, euphemism, damnation, denotative meaning, connotative meaning.

Ҳар бир миллат маданиятида касаллик номларини ифодаловчи қарашлар мажмуи мавжуд. Улар шу халқ дунёқарашини, динини, урф-одатини, яшаш тарзи ва тарихини ўзида мужассамлаштиради. Хусусан, ўзбек ва инглиз халқи амалий нутқида рақ, сил, вабо каби хавфли касалликлар номи қадимда табулаштирилган. Бунга тарихий сабаблар мавжуд. Ҳозирги кунда уларнинг давоси топилган бўлса-да, халқимиз “ёмон касаллик”, “оғир касаллик”, “ёмон хасталик”, “оғир дард” каби бирикмаларни қўллаш билан кифояланади.

Шунча хорлик ва хўрлик етмагандай... отаси оғир касалликдан вафот этди (К.Яшин, “Ҳамза”).

Касаллик номини тилга олмаслик ҳолати ҳам кўп учрайди.

Самарқандда Бобурни тилдан қолдирган касаллик – ғоят кучли бир руҳий ларзанинг оқибати эди (П.Қодиров, “Юлдузли тунлар”).

Инглиз халқи “даҳшатли касаллик (the terrible sickness)” бирикмасини қўллабгина қолмай, махсус эвфемизмлардан ҳам фойдаланади. Масалан, “саратон

касаллиги» (cancer) семаси “mitotic disease (митиотик касаллик)”, “long illness (узоқ вақт давом этадиган касаллик)”, “big C (катта Си)”, “neoplasm (ўсма)”, “c.a.”, “tumour (ўсимта)” каби эвфемизмлар таркибида мавжуд.

*How to face the big C, live your life and still be yourself (Deborah James, “F*** You Cancer”).*

Буюк мутафаккиримиз Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида тиббиёт илмининг асосини ташкил қилувчи кўплаб атамаларни келтирган. “Тиббий атамалар” лексемалари система сифатида таҳлил қилинар экан, улар ўз ичига “тиббий касалликлар номи”, “тиббий воситалар номи”, “тиббиётга оид шахс номлари”, “тиббий жараёнлар номи” парадигмаларини олади.

“Тиббий касалликлар номи” парадигмаси таркиб жиҳатдан “тиббий атамалар” гуруҳи ичида энг катта ўринни эгаллаб, ҳар бир халқнинг маданиятидан келиб чиқиб фарқ қилиши мумкин.

Хусусан, мохов касаллиги “Тиб қонунлари” асарида “Шер касаллиги” ва “До

Ф.Қосимова – ҚДПИ, ўқитувчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

ул-асад” атамалари билан ифодаланган. Бундан англашиладики, бемор, касаллик белгиларини инобатга олган ҳолда, “шер” (ҳайвон)га ўхшатиш. Ушбу хасталик инглиз тилида “Leprosy” деб аталиб, “Hansen’s disease” каби эпоними ҳамда “HD” аббревиатураси билан ҳам ифодаланади. А.Хансен ушбу касалликни биринчилардан бўлиб аниқлаган.

Семантик жиҳатдан таҳлил қилсак, “мохов” лексемасининг денотатив маъноси “бутун организмни, хусусан, тери, нерв системаси ҳамда ички аъзоларни зарарлайдиган инфекция касаллик; шу касалликка йўлиққан шахс” [2, 619].

Ҳа, Ботир ака, ҳозир одамлар моховдан ҳазар қилгандек мендан қочишади (С.Аҳмад, “Сайланма”).

Ўзбек ҳалқининг жонли нутқида “мохов” лексемаси ўзининг салбий маъно қиррасини сақлаган ҳолда “қарғиш”, “сўқиниш” семаларини ифодалайди.

Нега жим турибсизлар, уринглар мохов бўлгурни! (К.Яшин, “Ҳамза”)

“Мохов одам”, “мохов иш”, “ишнинг моховини чиқармоқ” каби иборалар халқ жонли тилида кенг қўлланилиб, “мохов” лексемасининг ўзбек тилида “расво”, “ярамас”, “чатоқ” каби коннотатив семалари ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади.

“Тук халтачаси ҳамда унга боғлиқ ёғ беги ва тўқималарнинг йирингли яллиғланиши” [2, 490] маъносини ифодалайдиган “чипқон” лексемаси ҳам ўзбек лингвокультуремаларидан бири ҳисобланади.

Насим полвонга чипқон чиққани чин экан, бу даврада олишмади (Т.Мурод, “Қўшиқ”).

Ўзбек халқи “дард устига чипқон” иборасини кўп қўллайди. Англашиладики, бу ибора таркибидаги “чипқон” лексемаси “дард” семасини ифодалаш учун хизмат қилади.

Дард устига чипқон деганларидай, Асрорнинг бир дарди икки бўлди (Ёшлик).

Булар етмагандек, ўзаро жанглар, бемаҳал чиқарилган солиқлар, дард устига чипқон бўларди (Х.Абдуллаев, “Қўқон хонлари”).

Шунингдек, ўзбек халқ амалий нутқидаги “тилингга чипқон чиқсин” ибораси “қарғиш” семасини ифодалаб, “оғзингни ел олсин” иборасига синоним бўлади.

Демак, “чипқон” лексемаси ўзбек халқи ҳаётида денотатив маъноси каби гапга салбий бўёқ бериш учун хизмат қилади.

Инглиз тилида “чипқон” лексемасининг эквиваленти “Furunculosis” бўлиб, ўзбек тилидаги каби ўзига хос лингвокультурологик хусусиятларга эга эмас.

Шунингдек, “Тиб қонунлари” асарида “жинсий заифлик” семасини ифодаловчи “ибрида” атамаси қўлланилган. Бу атама ҳозирги тиббиёт илмида “импотенция” медиконимемасига эквивалентдир. Маълумки, ўзбек халқи қадимдан болажон ва болаларга бой халқ бўлиб келган. Ҳатто, “Қаҳрамон она” каби тахаллусларга эга энг кўп болали онажонларимиз бўлган. Шунга қарамасдан, Абу Али ибн Сино асарида ушбу касалликнинг мавжудлиги ва давоси берилганлиги таажжубдир. Демак, ўзбек халқи дунёқарашида мазкур касаллик номи табулаштирилиб, сир тутилади.

Энг аянчлисиди, уруш жароҳати уни нотавон қилиб қўйган... Ҳатто севгилисиди Шаҳнозани лоақал бир боргина бахтли қила олмаслиги аён бўлиб қолган... Бунинг учун ич-ичидан эзилиб, адоий тамом бўлган (Ўткир Ҳошимов, “Тушда кечган умрлар”).

Юқоридаги асар парчасида “бахтли қила олмаслик” бирикмаси ўзбек маънавиятининг юксаклигини ҳамда ўзбек тилида касаллик номи ўрнида эвфемизмлар қўлланила олишини кўрсатмоқда. Бунга сабаб, халқимизнинг дунёвий ва диний дунёқарашида эркак киши оила устун, фахри ва ишончи эканлигидир.

Инглиз халқи маданиятида эркак киши ҳам жисмонан, ҳам маънан кучли шахс сифатида намоён бўлиб, “gentleman” тарзида мурожаат қилинади. Шундан келиб чиқиб, эркак кишига нисбатан “импотенция” медиконимемаси халқ амалий нутқида қуйидаги эвфемизмлар ва жаргонларвоситасида ифодаланади:

1. Erectile disfunction (эрекция дисфункцияси) ёки “E.D.” аббревиатураси
2. Infelicitous flaccidity (бахтсиз кучсизлик)
3. Involuntary flaccidity (беихтиёр кучсизлик)
4. Dole’s syndrome (Доул синдроми)
5. Limp-dick (оқсоқ йигит)
6. Wet noodle (нам угра)
7. Dull knife (ўтмас пичоқ)

-All I see is the same old limp dick (Kuldeep Saluja, «Unofficial joke book of Patiala»).

Сифилис касаллиги қадимдан хавфли касалликлар сирасига кириб, “Тиб қонунлари” асарида “захм”, деб юритилган. Ҳозирги кун тиббиёт илмида захмсўзи сифилис атамасининг синоними сифатида қўлланилади.

Захм – юқумли, сурункали таносил касаллиги; сифилис [2, 141].

Сил, захм ва рак касалликлари товуш пардасини заҳарлаб, товушни ўзгартиради (Н.Исмоилов, “Касалларни парвариш қилиш”).

“Захм” лексемаси ўзбек тилида полисемик сўз ҳисобланиб, биринчи маъноси “тиббиётга оид касаллик номи”, иккинчи маъноси эса “зарба”, “оҳанг”, “яра”, “жароҳат” каби семаларни ўзида мужассамлаштиради.

–Ўқ ва қилич захми ва зарбини кўрмаган йигитнинг мақтанишини қаранг, - деди Темиртош Ҳожибга истеҳзо билан (М.Осим, “Ўтпор”).

Маълумки, ном қўйишда муайян бир давр руҳияти, урф-одатлари намоён бўлади. “Сифилис» (syphilis) атамаси ҳам инглиз тили лексикасида қадимдан мавжуд бўлиб, давр руҳиятига монанд эвфемизмлар орқали ифодаланган. Дастлаб, “the great roх(буюк чечак)” тарзида, кейинчалик “the French disease» (Француз касаллиги), “Lues» (Люэс), “Bad blood»(харом қон) каби эвфемизмлар бирин-кетин муомалада қўлланилган.

So, the inhabitants of today’s Italy, Germany and United Kingdom named syphilis “the French disease” (Journal of Medicine and Life).

Яна бир қадимдан мавжуд бўлган ўткир юқумли касалликлардан бири “куйдирги” ўзбек ҳамда инглиз халқи маданиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, “куйдирги” медиконимемасининг денотатив маъноси – одамга ҳайвонлардан юқадиган, тери, меъда-ичак ва ўпкага зарар етказадиган ўткир юқумли касаллик [2, 422] ҳисобланади.

Қора мол, қўй ва эчкилар кўпинча куйдирги ҳамда оқсил касалликлари билан оғрийдилар (О.Азизхўжаев, “Эҳтиёткорлик шартлари”).

У... ўн йилча илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, куйдирги, бўғма,

қутуриш каби даҳшатли касалликларга дунёда биринчи бўлиб даво топди (“Фан ва турмуш”).

Юқоридаги мисоллардан маълумки, “куйдирги” лексемаси таркибидаги “тиббиётга оид касаллик номи” семаси билан “ёмон касаллик” архисемасига умумлашади. Ҳозирги кун тиббиётида “Сибир яраси”, “Антракс” каби медиконимемалар “куйдирги” лексемасининг синонимлари сифатида қўлланилади.

Шунингдек, “куйдирги” лексемаси бошқа лексемалар билан бирга битта, ажралмас бирикма сифатида кўп қўлланилади: куйдирги чиқмоқ – йўқ бўлмоқ (қарғиш маъносида).

Аммо бахтига куйдирги чиққан эканми, худди шу кабинетга Жўрабеков момақалдироқдай гумбураб кириб келди (С.Анорбоев, “Оқсой”).

Менинг ўз отим бор! Ўз отимга куйдирги чиққан эмас! (А.Қаҳҳор, “Оғрик”)

Ҳа сени ... Тилиннга куйдирги чиққур!! (С.Анорбоев, “Оқсой”)

Бу сўзларни оғизга олганда, ҳали ҳам тилингишга куйдирги чиқмаган экан (А.Мухтор, “Тонг билан учрашув”).

Бундан ташқари, халқ амалий нутқида “куйдирги бўлмоқ” бирикмаси “бирор ёмон иш қилиб, яқинларини хавотирга қўядиган инсон бўлмоқ” маъносида қўлланилади. Кўпинча, “куйдирги” лексемасининг ўзи бирор одамни таърифлаш учун фойдаланилади. Бу ўринда “одобли” семасига зид маънони ифодалайди.

Инглиз тилида “Siberian plague (Сибир яраси)”, “Plague (Ўлат)”, “Anthrax (Антракс)” каби атамалар “куйдирги” медиконимемасининг эквивалентлари ҳисобланади. Тарихий манбалардан маълумки, бу касаллик Европада жуда узоқ давом этган бўлиб, Р.Ҳийменнинг “Handling collective fear in folklore (халқ оғзаки ижодида умумбашарий кўркувни ушлаб туриш)” асарида “куйдирги” касаллигига қуйидагича таъриф берилган:

The plague disease came to the house threshold as a goat, sometimes as a bird, sometimes was known to look like a magpie. Whoever mentioned its name – fell down and that was it. Who did not utter a word – survived.

(Куйдирги касаллиги уй остонасига эчки бўлиб, баъзан эса қуш бўлиб, кўпинча олашақшақдай келар эди. Кимки унинг исмини айтса – ажал уни олиб кетарди.

ТИЛШУНОСЛИК

Унинг исмини айтмаганлар – тирик қоларди).

Ушбу мисолда “қуйдирги” лексемасининг тасвирий ифодаси эчки, қуш, олашақшақ билан мажозий боғлиқлиги ифода этилади. Бундан маълум бўладики, инглиз дунёқараши бўйича “қуйдирги” касаллиги “эчкидай тажовузкор”, “олашақшақдай шовқинли” семаларини ўзида акс эттиради.

Инсонлар ҳали бу касалликнинг нималигини тушуниб етмай, вафот этаверганликлари сабаб, ушбу касалликни ифодалаш учун “Black death (Қора ўлим)”, “Scared (Қўрққан)” ҳамда “The Great Dying (Буюк вафот этиш)” каби эвфемизмларини қўрқув билан тилга олишган. Касалликнинг асл номи эса табулаштирилган.

For most, the Black Death is the end. For a brave few, it heralds a new beginning (M. Walters, «The Last Hours»).

“Қуйдирги” касаллиги каби узоқ тарихий даврни босиб ўтган яна бир юқумли касаллик “вабо”дир. Маълумки, “вабо” – организмнинг сувсизланиши билан кечадиган ўта хавфли ичак касалликларидан бири [2, 430].

Очлик орқасидан вабо келди. Оч, бир бурда нонга муҳтож, қип-яланғоч бўлиб қолган халқ битталаб, ўнталаб эмас, юзталаб, қишлоқлаб ўла бошлади (С.Айний, “Қуллар”).

Шаҳарни босиб олган мўғуллар ҳам вабодан қирилаётган эканлар (М.Осим, “Карвон йўлларида”).

“Тиб қонунлари” асарида ушбу касаллик “вабо” лексемаси билан юритилган бўлса-да, халқ амалий нутқида “ўлат” ва “қора ўлат” каби атамалар ҳам ўша даврда эквивалент тарзда қўлланилган. Мазкур атамалар ўзида “офат”, “бало”, “фалокат”, “эпидемия” семаларини ифодалайди.

Дастлаб кичик-кичик безориликлардан бошланган бу ҳаракат, бора-бора чунонам

қанот ёйиб тарқала бошладики, энди уни жиловлайдиган, бу офатнинг белини синдирадиган куч йўқ, у қора ўлат каби тарқала бошлаган (Х.Абдуллаев, “Мавлоно Завқий”).

Ҳозирги кунда “вабо”, “холера” ва “ўлат” медиконимемалари ўзаро синоним ҳисобланади.

Ўзбек миллати тарихи ва дунёқарашида “вабо” касаллиги шундай ўчмас из қолдирганки, ҳатто ҳозирги кунда ҳам мазкур лексемадан фойдаланилади. Қуйида келтирилган мисолда, “уруш” лексемаси коннотатив жиҳатдан “вабо” лексемасига тенглаштирилган. Бу ўринда, ушбу лексемаларни умумлаштирувчи интеграл сема “офат” саналади:

Уруш! Инсоният бошига қандай мусибатлар солмади бу лаънати вабо (М.Самадов, “Карим партизан”).

Инглиз тилида мазкур медиконимеманинг эквиваленти “cholera” бўлиб, “Asiatic cholera (Осиё вабоси)”, “Gutter (Ариқ)”, “Rice water (гуручли сув)” каби эвфемизмлар унинг ўрнида қўлланилган. Бу эвфемизмлар вабо касаллигининг белгиси ва этимологиясига кўра пайдо бўлган.

Asiatic cholera is a disease caused by the Vibrio cholera (“Annual review of medicine” journal).

Юқоридаги лексемаларнинг лингвокультурологик тадқиқи шуни кўрсатадики, ўзбек халқи ҳаётида мазкур медиконимемалар иборалар таркибида қўлланилса, салбий гап айтиш, сўкиниш ва қарғаш учун қўлланилади. Ушбу атамалардан ўз маъносидан ташқари, яна бошқа маъноларни ифодалаш учун ҳам фойдаланилади. Шунингдек, инглиз тилида давр руҳиятига монанд турли хил эвфемизмлар муомалада қўлланилганлиги аниқланди.

Адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. (Тузувчилар: У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев). – Т.: А. Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1992.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Мадвалиев А таҳрири остида/. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).